

«ТАСДИҚЛАНДИ»
«Ўзбекгеофизика» АЖ
Кузатув кенгашининг
2023 йил «25» июлдаги баёни

**“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ
СИЁСАТИ**



Тошкент-2023 й.

«УТВЕРЖДЕНО»
Протоколом
Наблюдательного совета
АО «Ўзбекгеофизика»
от «25» июля 2023 года

**АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО “УЗБЕКГЕОФИЗИКА”
АНТИКОРРУПЦИОННАЯ
ПОЛИТИКА**



Ташкент-2023 г.

I. Умумий қоидалар	I. Общие положения
<p>1.1. “Ўзбекгеофизика” Акциядорлик Жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб юритилади) коррупцияга қарши курашиш Сиёсати (кейинги ўринларда – Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда Жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида амалга оширилади, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек Бошқарув органи ва Кузатув Кенгаши фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради ва Жамият манфаатларини ҳимоя қилиш меъёрларини белгилайди.</p>	<p>1.1. Антикоррупционная политика (далее – Политика) Акционерного Общества “Узбекгеофизика” (далее – Общества) реализуется в целях повышения уровня антикоррупционной культуры среди сотрудников Общества, приверженности к работникам Общества и его структурных подразделений к высоким этическим стандартам, а также отражает нетерпимость и предотвращение коррупционных правонарушений в деятельности Органа управления и Наблюдательного совета, а также определяет стандарты защиты интересов Общества.</p>
<p>1.2. Ушбу Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ-419-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сон “Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 июль 2021 йилдаги ПҚ-5177-сон “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2023 йилдаги ПҚ-101-сон “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларига мувофиқ ҳамда коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ҳамда ушбу соҳадаги халқаро ташкилотлар тавсиялари ва илғор дунё тажрибаси, жумладан: ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши кураш менежмент</p>	<p>1.2. Настоящая Политика разработана в соответствии требованиями Закона Республики Узбекистан “О противодействии коррупции” от 3 января 2017 года № 419, Указами Президента Республики Узбекистан “О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республики Узбекистан” от 29 июня 2020 года №УП-6013, “О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, кардинальному сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении, а также широкому вовлечению общественности в этот процесс” от 06 июля 2021 года №УП-6257, Постановлениями Президента Республики Узбекистан “О дополнительных мерах по эффективной организации деятельности по противодействию коррупции” от 06 июля 2021 года №5177, “О мерах по совершенствованию механизмов устранения коррупционных рисков в области государственного управления и расширению участия общественности в данной сфере” от 11 мая 2022 года №240, и в соответствии с Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по эффективной организации деятельности агентства по управлению государственными активами» от 24.03.2023 года № ПП-101, а также рекомендациями Агентства по противодействию коррупции, международных организаций в сфере противодействия коррупции и передового мирового опыта, в том числе: ISO 37001:2016 “Система</p>

<p>тизими – Талаблар ва уларни қўллашга доир тавсиялар” - халқаро стандарти талаблари ва тавсияларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.</p>	<p>менежмента противодействия коррупции - Требования и рекомендации по их применению” - с учетом требований и рекомендаций международного стандарта.</p>
<p>1.3. Жамиятнинг асосий вазифаси минерал-хом ашё базасини тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида нефт ва газ манбааларида геофизик тадқиқот ишларини амалга ошириб даромад олишдир.</p>	<p>1.3. Основной задачей общества является получение дохода путем проведения геофизических исследовательских работ на месторождениях нефти и газа на территории Республики Узбекистан и за ее пределами с целью восполнения минерально-сырьевой базы.</p>
<p>1.4. “Ўзбекгеофизика” АЖ давлат дастурлари ва қўшимча шартномалар доирасида, нефт ва газнинг истиқболли конларини кидиришда амалга ошириладиган дала кидирув (икки ўлчовли (2D) ва уч ўлчовли (3D) сейсмик, вертикал сейсмик профиллаш (VSP), электр кидирув) ва кон геофизика ишлари (кудукларнинг геофизик тадқиқоти, керн таҳлили, захираларни ҳисоблаш ва бошқа) бўйича комплекс геофизик хизматлар кўрсатувчи таъминотчи ҳисобланади.</p>	<p>1.4. Рассматриваются геологоразведочные работы (двухмерная (2D) и трехмерная (3D) сейсморазведка, вертикальное сейсмическое профилирование (VSP), электроразведка) и горная геофизика, выполняемые в рамках государственных программ и дополнительных контрактов АО «Узбекгеофизика». Поставщик комплексных геофизических услуг (геофизические исследования скважин, анализ керна, подсчет запасов и т.д.).</p>
<p>1.5. Ушбу Сиёсат Жамият ходимларидан коррупцияга қарши курашиш бўйича Коррупцияга оид қонун ҳужжатларига риоя қилишни талаб қилади. Ушбу Сиёсат Жамият Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.</p>	<p>1.5. Настоящая Политика требует от сотрудников Общества соблюдения законодательных актов по борьбе с коррупцией. Настоящая Политика вступает в силу после ее утверждения наблюдательным советом Общества.</p>
<p>1.6. Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади: - Жамият фаолиятининг барча соҳаларида коррупцияни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; - Жамият ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали коррупцияга нисбатан тоқатсизлик муносабатини шакллантириш; - Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияни тубдан бартараф этишга эришиш; - коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, оқибатлари, коррупциявий ҳуқуқбузарликларга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш; - ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими” халқаро стандарти талабларига риоя қилиш ҳамда</p>	<p>1.6. Основной задачей Общества по борьбе с коррупцией является: - осуществление мер по предупреждению коррупции во всех сферах деятельности Общества; - повышением правосознания и правовой культуры работников, формирование нетерпимого отношения к коррупции; - добиться радикальной ликвидации коррупции в Обществе и её структурных подразделениях; - своевременное выявление и пресечение коррупционных правонарушений, устранение последствий, причин и условий, повлекших за собой совершение коррупционных правонарушений, обеспечение принципа неотвратимости ответственности за совершение коррупционных правонарушений; - соблюдение требований международного стандарта ISO 37001:2016 “Система менеджмента по противодействию</p>

<p>коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини доимий равишда такомиллаштириб бориш.</p>	<p>коррупции”, а также постоянное усовершенствование системы менеджмента по противодействию коррупции.</p>
<p>1.7. Мазкур Сиёсат талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажараётган функциясида қатъий назар Жамиятнинг барча ходимлари учун бирдек амал қилади.</p>	<p>1.7. Требования настоящей Политики в равной степени распространяются на всех работников Общества, независимо от занимаемой ими должности и выполняемых функций.</p>
<p>1.8. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ва бошқарув органи аъзолари ушбу Сиёсат талабларига риоя этиши ва коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини доимий равишда такомиллаштириш мажбуриятини олади.</p>	<p>1.8. Члены Наблюдательного совета и органа управления Общества обязуются соблюдать требования настоящей Политики и постоянно совершенствовать систему управления противодействием коррупции.</p>
<p>1.9. Сиёсат Жамиятнинг ички хужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.</p>	<p>1.9. Для достижения вышеуказанных основных целей, являясь внутренним документом Общества, Политика определяет основные требования и принципы, направленные на предупреждение и пресечение коррупционных правонарушений в деятельности Общества и её структурных подразделениях.</p>
<p>1.10. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати қўлланиладиган ва бунга алоқадор асосий шахслар доирасига, эгаллаб турган лавозими, вазифаси ва функцияларидан қатъий назар меҳнат муносабатларига киришган, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари, Бошқарув органи ҳамда Кузатув Кенгашининг аъзолари ҳисобланади.</p> <p>Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларига ишга кираётган ҳар қандай шахс (доимий, вақтинчалик ҳамда фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар асосида) мазкур Сиёсат билан имзо чеккан ҳолда танишиши ва унинг барча қоидаларига риоя қилиши лозим.</p>	<p>1.10. Область применения и круг лиц, на которых распространяется антикоррупционная Политика, являются работники Общества, а также сотрудники структурных подразделений, независимо от их занимаемой должности, выполняемых задач и функций, члены органа управления и Наблюдательного совета считаются сотрудниками.</p> <p>Любое лицо, поступающий на работу в Общества и её структурные подразделения (постоянной, временно а также договорно-правовой основе) обязано ознакомиться с настоящей Политикой, подписав ее, и соблюдать все её правила.</p>
<p>1.11. Мазкур Сиёсатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:</p> <p>алоқадор шахслар – Жамият ходими билан тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;</p> <p>давлат органлари ва муассасалари – Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва бошқа идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек</p>	<p>1.11. Для целей настоящей Политики используются следующие основные понятия и термины:</p> <p>заинтересованные лица – лица участвующие в уставном капитале коммерческих организаций вместе со своими работниками, за исключением лиц, владеющих менее чем пятью процентами акций акционерных обществ, акции которых обращаются на Республиканской фондовой бирже;</p> <p>государственные органы и учреждения - органы государственной власти и управления, органы самоуправления граждан (в том числе министерства, службы, агентства, центры и т.п.) и их составные подразделения, а также юридические лица,</p>

давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

коррупция – шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Жамият ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан ташкилот номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – Жамият ходими томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб кўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Жамиятда коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир ички ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, Жамият ходимлари томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар

прямо или косвенно контролируемые государством;

коррупция - незаконное использование служебного положения в личных интересах или в интересах других лиц в целях получения материальной или нематериальной выгоды, а равно незаконное предоставление такой выгоды;

коррупционный риск – риск коррупционных действий работников Общества или третьих лиц от имени организации или в их интересах;

коррупционные действия - наличие у работника Общества материальной заинтересованности прямо или косвенно лично или через третьих лиц в действии или бездействии в интересах взяткодателя, в том числе денежных средств, ценных бумаг, иных форм имущества и имущественных прав, получение, вымогательство, сбор услуг имущественного характера, незаконное использование своих служебных обязанностей для предложения или дачи, дачи и (или) получения взятки или посредничества в них, взимание платы за упрощение формальностей (получение взятки) и иные незаконные цели;

коррупционное правонарушение - поведение с признаками коррупции, ответственность за которое установлена законодательством Республики Узбекистан;

подразделение внутреннего антикоррупционного контроля – структурное подразделение, на которого возложена задача по борьбе с коррупцией в Обществе;

система менежмента противодействия коррупции - комплекс мер по недопущению нарушений антикоррупционного законодательства Республики Узбекистан и внутренних документов Общества по вопросам противодействия коррупции, обеспечению осуществления работниками Общества своей деятельности на высоком профессиональном и поведенческом уровне;

кронизм - (форма фаворитизма, основанная на дружеских отношениях) – использование власти и/или репутации для

тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

мансабдор шахс - доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

манфаатлар тўқнашуви - Жамият ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, Жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият;

махаллийчилик – маҳаллий манфаатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслик келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф этилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм - (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асосиз мукофотлар ҳисоблаш, Жамият манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар –

предоставления незаконных выгод друзьям или доверенным лицам;

должностное лицо - назначаемое или избираемое на постоянной, временной или специальной основе, исполняющее обязанности представителя органов власти либо выполняющее организационно-распорядительные, административно-хозяйственные задачи и юридические обязанности в государственных органах, органах самоуправления граждан, независимо от формы собственности, на предприятиях, в учреждениях, организациях; лицо, уполномоченное на совершение важных действий, лицо, выполняющее эти задачи в международной организации или в законодательном, исполнительном, административном или судебном органе иностранного государства.

конфликт интересов - ситуация при которой личная заинтересованность (прямая или косвенная) влияет или может повлиять на надлежащее исполнение лицом должностных или служебных обязанностей и при которой возникает либо может возникнуть противоречие между личной заинтересованностью и правами и законными интересами граждан, организаций, общества или государства.

местничество - работа только на местные интересы. При этом прием на работу, ротация и назначение лица на должность независимо от того, соответствует ли оно квалификационным требованиям для должности в силу своего происхождения (представителя знатной или известной династии и того факта, что он общественное признание) и служебной должности, занимаемой его близкими родственниками.

непотизм - (знакомство, непотизм, появление фаворитизма на почве родственных связей) - использование власти и (или) влияния в целях предоставления незаконных выгод своим близким родственникам или друзьям, а также начисление необоснованных вознаграждений близким родственникам и (или) друзьям, назначение близких родственников и друзей в ущерб интересам общества;

платежи за упрощение формальностей - денежные средства,

белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Жамият ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган ҳамда Жамият ходимлари манфаатлари йўлидаги харажатлари, жумладан, учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ харажатлари, транспорт харажатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

Вакиллик харажатлари - вакилларнинг (иштирокчиларнинг) расмий қабули (нонушта, тушлик ёки шунга ўхшаш тадбир), уларни ташиш, музокаралар чоғида буфет хизмати кўрсатиш, Жамият ходимлари ҳисобида бўлмаган таржимонлар хизматлари учун тўловлар билан боғлиқ харажатлар.

Бизнес совға - контрагентга ва/ёки бошқа учинчи шахсга Жамият номидан ва/ёки ҳисобидан Жамият ходими томонидан тақдим этилган ҳар қандай совға, шунингдек, Жамият ёки унинг ходими контрагент ва бошқа учинчи шахслар томонидан қабул қилинадиган совға.

Бизнес тадбирлар - Жамият иш фаолияти доирасидаги тадбирлар (делегациялар қабул қилиш, учрашувлар, давра суҳбатлари, форумлар, конференциялар, ва ҳоказо.), ва шунга ўхшаш тадбирлар.

Кўнгилочар тадбирлар - Жамиятнинг иш фаолияти доирасидаги оммавий тадбирлар (шу жумладан: маданий, спорт ва бошқа).

Бизнес меҳмондўстлик белгилари – фаолиятни олиб боришда ёки ходимларнинг манфаатлари учун ҳамкорликни қўлланилиши мақсадида учинчи шахслар харажатлари, жумладан: учрашувлар, нонушта, тушлик, кечки овқатланиш, кофе-брейк ва музокаралар,

имущество, имущественные права, услуги и другие материалы, предоставленные незаконно, не предусмотренные соответствующим законодательством и нормативными нормами и правилами, в целях обеспечения или ускорения выполнения указанных процедур или стандартных процедур, связанных с исполнением действий и нематериальных благ;

Знаки гостеприимства, связанные с предпринимательской деятельностью - расходы третьих лиц, связанные с установлением сотрудничества и/или его поддержкой, направленные на повышение лояльности работников Общества и в интересах работников Общества, в том числе расходы, связанные с питанием третьих лиц, организация обедов, связанных с трудовой деятельностью, транспортными расходами, проживанием, развлечениями, в том числе расходами, связанными с туристическими программами и т.п.;

Представительские расходы – расходы, связанные с официальным приемом представителей (участников) (завтрак, обед или подобное мероприятие), их транспортировкой, фуршетом во время переговоров, оплатой услуг переводчиков не за счет сотрудников Общества.

Деловой подарок – любой подарок, преподносимый работником Общества контрагенту и/или иному третьему лицу от имени и/или за счет Общества, а также подарок, принятый Обществом или его работником контрагентом и иным третьи лица.

Деловые мероприятия – мероприятия в рамках работы Общества (прием делегаций, встречи, круглые столы, форумы, конференции и т.п.) и тому подобные мероприятия.

Развлекательные мероприятия – массовые мероприятия в рамках деятельности Общества (в том числе: культурные, спортивные и другие).

Знаки делового гостеприимства – расходы, понесенные третьими лицами при осуществлении деятельности или в целях сотрудничества в интересах сотрудников, в том числе: встречи, завтраки, обеды, ужины, кофе-брейки и переговоры, транспортные

транспорт харажатлари ва бошқалар.

Контрагент - Жамият билан шартномавий муносабатларига кирадиган ҳар қандай жисмоний шахс, ходимлар бундан мустасно, ва/ёки юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг филиали ва / ёки ваколатхонаси).

уруғ-аймоқчилик – Жамият ходимининг авлод-аждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Жамият ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сихатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек, иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

халқаро ташкилот – давлатлар, ҳукуматлар ёки бошқа халқаро ташкилотлар томонидан ташкилий шакли ва ваколатларидан қатъий назар ташкил этилган ҳар қандай халқаро ташкилот, жумладан, масалан иқтисодий интеграция бўйича минтақавий ташкилотлар.

ходимлар – ушбу Сиёсатнинг мақсадларидан келиб чиқиб, меҳнат шартномалари асосида ўз лавозим мажбуриятларини бажарётган Жамият ходимлари, Бошқарув органи ҳамда Кузатув Кенгашининг аъзолари.

контрагент – Жамият билан шартномавий муносабатга киришадиган ҳар қандай жисмоний, ишчи-ходимлар бундан мустасно, ёки юридик шахс (жумладан, унинг филиал ва/ёки ваколатхонаси).

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Жамият (ҳомийлик қилинаётган муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва ҳайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан

расходи и т.п.

Контрагент – любое физическое лицо, за исключением сотрудников, и/или юридические лица (включая их филиал и/или представительство), вступающие в договорные отношения с Компанией.

родственные отношения - личная заинтересованность работника Общества в форме субъективного, привилегированного и предвзятого отношения к третьим лицам на основе принадлежности к одной династии;

фаворитизм - приоритет работником Общества интересов одного лица и (или) группы лиц над интересами другого лица и (или) группы лиц, подбор и расстановка кадров в составе Общества, продвижение по службе, премирование и представление к государственным наградам, предоставление отпусков или выезд в санаторно-курортные учреждения и заграничные командировки несоблюдение порядка в ситуациях, связанных с установлением очередности рассмотрения депеш, обращений, а также графиков работы и дежурств.

международная организация - любая международная организация, созданная государствами, правительствами или другими международными организациями независимо от их организационной формы и полномочий, включая, например, региональные организации по экономической интеграции.

сотрудники – работники Общества, члены органа управления и наблюдательного совета, исполняющие свои обязанности на основании трудовых договоров исходя из целей настоящей Политики.

контрагент – любое физическое лицо, за исключением сотрудников, или юридическое лицо (в том числе его филиал и/или представительство), вступающее в договорные отношения с Компанией.

спонсорство (спонсорская поддержка) – помощь, оказываемая юридическими и физическими лицами (спонсорами) Обществу (подшефным учреждениям) путем выполнения для них работ, оказания услуг и иных видов поддержки в благотворительных целях, предоставления имущества, в том числе

<p>ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Жамият муассасаларида ҳомий олдиди ўзаро мажбуриятлар юзага келади;</p> <p>хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Жамият учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;</p> <p>шафелик – ходимнинг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;</p> <p>Сиёсий бадаллар - бу сиёсий партияга, сиёсатчига ёки сиёсий номзодга хайрия қилинган ёки тақдим этилган нақд пул, моддий совғалар, номоддий товарлар ёки хизматлар. Бундай бадаллар қонунга хилоф таъсир ўтказиш учун сиёсий жараёнларга ёки қарорларга нотўғри таъсир қилиш учун қўлланиши мумкин. Жамият ҳар қандай шароитда тўғридан-тўғри ёки билвосита сиёсий бадалларга йўл қўймайди;</p> <p>таркибий бўлинмалар – “Ўзбекгеофизика” АЖнинг бўлимлари, тўғридан-тўғри бўйсунувчи партия ва филиаллари;</p> <p>яқин қариндошлар – бир-бирига қариндошлик ёки яқин алоқаси бор шахслар, яъни ота-она, туғишган ҳамда тутинган ака-укалар ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар (жумладан, асраб олинган фарзандлар), бувалар, бувилар, набиралар, шунингдек эр (хотин)нинг ота-онаси, туғишган ва тутинган ака-укалари ва опа-сингиллари.</p>	<p>денежных средств, в результате какие взаимные обязательства перед спонсором возникают в учреждениях Общества;</p> <p>благотворительность (благотворительная помощь) - передача юридическими и физическими лицами (благотворители) Обществу материальных или нематериальных благ, особенно в денежной форме, безвозмездно или на основе льгот, выполнение для них определенных работ, оказание услуг и оказание иной поддержки в благотворительных целях. Добровольная бескорыстная помощь, выражающаяся в достижении;</p> <p>покровительство - покровительство работника другим работником, занимающим вышестоящую должность, в виде создания благоприятных условий труда, заступничества за него;</p> <p>Политические пожертвования — это денежные средства, материальные подарки, нематериальные товары или услуги, пожертвованные или предоставленные политической партии, политику или политическому кандидату. Такие взносы могут быть использованы для неправомерного влияния на политические процессы или решения с целью получения незаконного влияния. Общество ни при каких обстоятельствах не допускает прямых или косвенных политических пожертвований;</p> <p>Структурные подразделения – партии непосредственного подчинения и филиалы АО “Ўзбекгеофизика”;</p> <p>близкие родственники - лица, связанные друг с другом родством или близким родством, то есть родители, биологические и усыновленные братья и сестры, супруг, дети (в том числе усыновленные), дедушки, бабушки, внуки, а также родители мужа (жены), биологические и усыновленные братья и сестры.</p>
<p>II. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари</p>	<p>II. Основные принципы борьбы с коррупцией</p>
<p>2.1. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:</p> <p>қонунийлик – Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган</p>	<p>2.1. Общества реализуют систему противодействия коррупции на основе следующих принципов:</p> <p>законность - Общества принимают меры по борьбе с коррупцией с учетом требований законодательства Республики Узбекистан, международно-признанной практики противодействия коррупции в государственных органах и в соответствии с</p>

амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда Жамиятда белгиланган ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади;

коррупцияга тоқатсизлик – Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Жамият ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

очиқлик ва шаффофлик - Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга ошириладиган чора-тадбирлар ҳақида Жамият ходимлари ва контрагентларини, кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора - тадбирларнинг превентивлиги, тизимлиги ва ўзаро боғлиқлиги – Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари коррупциявий ҳатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда Жамиятнинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилади;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Жамият ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш – Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш – Жамият ва

установленными внутренними документами Общества;

нетерпимого отношения к коррупции - Общества нетерпимы к любым формам и проявлениям коррупции во всех сферах своей деятельности. Сотрудникам Общества запрещается прямо или косвенно участвовать в деятельности, которая может представлять риск коррупции;

открытость и прозрачность - информирование работников и контрагентов Общества, широкой общественности о принимаемых и реализуемых мерах в области противодействия коррупции в Обществе и ее структурных подразделениях;

превентивность, системность и взаимосвязь осуществляемых мер по противодействию коррупции - Общества отдают приоритет реализации профилактических мероприятий, направленных на устранение причин и условий, способствующих совершению коррупционных действий и коррупционных рисков. Антикоррупционные меры и процедуры соответствуют уровню выявленных рисков и интегрированы в систему противодействия коррупции, интегрированы во все функции и направления Общества;

неотвратимость ответственности за коррупционные правонарушения - работники системы Общества, совершившие коррупционные правонарушения, несут ответственность в соответствии с внутренними документами Общества и действующим законодательством, независимо от их статуса и занимаемой должности;

использование достижений технического развития – исполнительный аппарат Общества стремится использовать новейшие достижения научных разработок, в том числе интегрированные информационные системы, при создании системы противодействия коррупции в его составных подразделениях;

прямое обращение к руководству – каждый работник

<p>унинг таркибий бўлинмаларининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлигини тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз Жамият раҳбарига ёки Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига мурожаат қилиши мумкин;</p> <p>фуқаролик Жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик – Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда Жамият фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик Жамияти вакиллари жалб этадилар;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш - коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш натижаларига кўра Жамият ва унинг таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.</p>	<p>Общества и ее структурных подразделений может беспрепятственно обращаться к руководителю организации или в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля” Общества для принятия предусмотренных мер при наличии достоверной и обоснованной информации о совершении коррупционных правонарушений;</p> <p>взаимодействие с представителями гражданского общества –при выполнении возложенных на них функций Общества и ее структурные подразделения привлекают представителей гражданского общества на основе честности, беспристрастности и независимости;</p> <p>постоянное совершенствование антикоррупционной системы – по результатам мониторинга и контроля за системой менежмента по противодействию коррупции, а также реализацией коррупционных рисков, принимаются меры по постоянному повышению эффективности систему менежмента по противодействию коррупции в Обществе и ее структурных подразделениях.</p>
<p align="center">III. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари</p>	<p align="center">III. Основные направления борьбы с коррупцией</p>
<p align="center">3.1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш</p>	<p align="center">3.1. Управление конфликтами интересов</p>
<p>3.1.1. Жамият ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва Жамият манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг хизмат мавқеидан ва Жамиятнинг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.</p> <p>Жамият ходимлари ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва холис бажаришларига, жумладан, холис қарор қабул қилишга ҳамда Жамиятнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.</p>	<p>3.1.1. Работники Общества и ее структурных подразделений придерживаются принципов честности и добросовестности при исполнении своих служебных обязанностей и при представлении интересов Общества, с учетом своих личных интересов, не используют свое служебное положение и имущества Общества, избегая ситуаций, приводящих к конфликту интересов.</p> <p>Конфликт интересов возникает в ситуации, которая влияет или может повлиять на надлежащее и беспристрастное выполнение своих служебных обязанностей работников Общества, в том числе на беспристрастное принятие решений, а также права, законные интересы, имущество и престиж Общества.</p>
<p>3.1.2. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Жамият ходими ўзининг бевосита раҳбарига ёки “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига дарҳол ёзма шаклда хабар қилиши керак.</p>	<p>3.1.2. В случае возникновения конфликта интересов работник Общества обязан незамедлительно уведомить в письменной форме своего непосредственного руководителя или “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”.</p>

<p>3.1.3. Жамиятнинг Бошқарув органи ҳамда Кузатув Кенгашининг аъзолари, Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили, янги ишга қабул қилинишида ёки бошқа лавозимга ўтказилишида ҳамда тегишли ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар.</p>	<p>3.1.3. Члены органа управления и наблюдательного совета Общества, работники Общества и его структурных подразделений обязаны ежегодно при приеме на работу или переводе раскрывать информацию о своих личных интересах, которые приводят или могут привести к конфликту интересов. на другую должность и в зависимости от наступления соответствующих обстоятельств.</p>
<p>3.1.4. Жамият томонидан манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш ва уни ҳал қилиш жараёни “Ўзбекгеофизика” АЖда манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати” билан тартибга солинган.</p>	<p>3.1.4. Процесс раскрытия и разрешения информации о конфликте интересов Общества и в её структурных подразделениях регулируется “Политикой об управлении конфликтом интересов в АО “Узбекгеофизика”.</p>
<p align="center">3.2. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш</p>	<p align="center">3.2. Деловые подарки и гостеприимство принимать знаки</p>
<p>3.2.1. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан ўзларининг хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахслар манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан ҳар қандай совғалар ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, қафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш таъқиқланади.</p> <p>Жамият Ўзбекистон Республикасининг давлат мансабдор шахсларига ҳар қандай турдаги совға беришни тақиқлайди.</p> <p>Бундан Жамият ходими томонидан алоҳида хизматлари учун давлат органининг тегишли қарори асосида берилган совғалар, шунингдек мусобақалар ва танловларда эришган ютуқлари, давлат байрамлари, нишонладиган саналар ҳамда бошқа расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш натижасида олинган совғалар мустасно.</p>	<p>3.2.1. В обмен на выполнение или неисполнение работниками общества и его структурных подразделений своих служебных полномочий в интересах физических и юридических лиц они получают от них любые подарки или знаки гостеприимства в процессе работы, поощрения в виде кредитов, гарантий, поручительств, вознаграждений, денежных средств или их эквивалента, ценных бумаг. Запрещается принимать материальную поддержку в виде:</p> <ul style="list-style-type: none"> -Общество запрещает дарить подарки любого рода должностным лицам Республики Узбекистан. -Сюда не входят подарки, вручаемые работником Общества за специальные заслуги на основании соответствующего решения государственного органа, а также подарки, полученные в результате награждений за достижения в конкурсах, государственных праздниках, отмечаемых датах и других официальных мероприятиях.
<p>3.2.2. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида амалга ошириладиган хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан совға олиши мумкин. Бунда совға Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари, Жамиятнинг ички идоравий ҳужжатлари</p>	<p>3.2.2. Сотрудники общества и его структурных подразделений могут получать подарки в связи с командировками за пределы территории Республики Узбекистан, международными и другими официальными мероприятиями, а также международными и иными официальными мероприятиями, проводимыми на территории Республики Узбекистан. При этом подарок должен соответствовать законодательным документам Республики Узбекистан, внутренним</p>

<p>ҳамда ушбу Сиёсат талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда манфаатлар тўқнашуви ёки коррупциявий хавф-хатарларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмаслиги, хусусан Жамият ходимининг хизмат фаолиятида холис қарор қабул қилишига таъсир кўрсатадиган мажбуриятни юзага келтирмаслиги.</p>	<p>ведомственным документам Компании и требованиям настоящей Политики, и не должен вызывать конфликт интересов или риск коррупции, в частности, не должно создавать обязанности, влияющей на беспристрастное принятие решений работником Компании.</p>
<p>3.2.3. Жамият ходими халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан ўзига тақдим этилган совғаларни қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида ҳар қандай шубҳа пайдо бўлганда, шу заҳоти ушбу масала бўйича бевосита ўзининг юқори турувчи раҳбариятини ёки “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимини хабардор қилиши шарт.</p>	<p>3.2.3. В случае возникновения сомнений в законности принятия подарков, преподнесенных ему в связи с международными и иными официальными мероприятиями, работник общества обязан немедленно сообщить об этом вышестоящему руководству или в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”.</p>
<p>3.2.4. Жамият номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш Жамият Бошқарув раиси ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади. Бунда совға олувчи ҳамкор давлат қонунларининг талаблари инобатга олиними лозим.</p>	<p>3.2.4. Вручение подарков от имени Общества на международных конференциях, симпозиумах и иных деловых (служебных) мероприятиях осуществляется по поручению Председателя Правления Общества или его заместителей. При этом следует учитывать требования законодательства государства-партнера-реципиента.</p>
<p>3.2.5. Хорижий давлатнинг давлат мансабдор шахсларига бизнес совғалар бериш фақат расмий делегациялар ва/ёки халқаро кўргазмалар доирасида рухсат этилади (бу хорижий давлат қонунчилиги талабларига тўғри келишига риоя қилиниши шарт билан). Бундай бизнес совғалар қиймати хорижий давлат қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ чегараланган бўлиши мумкин.</p>	<p>3.2.5. Вручение деловых подарков должностным лицам иностранного государства допускается только в рамках официальных делегаций и (или) международных выставок (при условии соответствия требованиям законодательства иностранного государства). Стоимость таких деловых подарков может быть ограничена в соответствии с требованиями иностранного законодательства.</p>
<p>3.2.6. Жамиятда совғаларни тақдим этиш ва олиш, бизнес тадбирларида иштирок этиш ва ташкил этиш, шунингдек, вакиллик харажатларини амалга ошириш ва Жамиятдаги бизнес меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш тартиби ва асослари “Ўзбекгеофизика” АЖнинг совғалар бериш ва олиш, бизнес-тадбирларни ташкил этиш ва иштирок этиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш Сиёсати” билан тартибга солинган.</p>	<p>3.2.6. Порядок и основания вручения и получения подарков в обществе, участия и организации деловых мероприятий, а также совершения представительских расходов и принятия знаков делового гостеприимства в сообществе. Вручение и получение подарков, организация и участие в деловых мероприятиях, представительство регулируется «Политикой реализации расходов».</p>
<p>3.3. Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш</p>	<p>3.3. Обеспечение прозрачного и эффективного взаимодействия с компетентными государственными органами, контрагентами и третьими лицами.</p>
<p>3.3.1. Жамият мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларига зид ҳар қандай</p>	<p>3.3.1. Компания не будет привлекать поставщиков, подрядчиков и иных третьих лиц к осуществлению каких-либо платежей или</p>

<p>тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.</p>	<p>действий, противоречащих принципам и требованиям настоящей Политики и законодательства Республики Узбекистан.</p>
<p>3.3.2. Контрагентлар билан муносабатларда Жамият қонунийлик ва шаффофлик тамойилларига амал қилади.</p>	<p>3.3.2. Компания придерживается принципов законности и прозрачности в отношениях с контрагентами.</p>
<p>3.3.3. Жамиятда объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек, сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинади.</p>	<p>3.3.3. В компании внедрен честный, открытый и прозрачный процесс выбора поставщиков, подрядчиков и других контрагентов, основанный на использовании объективных критериев, а также прозрачная процедура определения стоимости приобретаемых товаров и услуг, которая регулируется законодательством. действующее законодательство Республики Узбекистан и внутренние документы компании.</p>
<p>3.3.4 Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Жамият: Жамиятда контрагентларни текшириш бўйича Йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Жамият ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади; потенциал контрагент, жумладан, харид тартиб-таомиллари ёлибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.</p>	<p>3.3.4 При взаимодействии с контрагентами Компания: в соответствии с Методическими указаниями по проверке контрагентов в компании и требованиями законодательства Республики Узбекистан проверяет благонадежность потенциального контрагента, в том числе, был ли он вовлечен в коррупционную деятельность в прошлом, имеется ли конфликт интересов с работниками Общества; информирует потенциального контрагента, в том числе победителя закупочной процедуры, о своих антикоррупционных принципах и требованиях путем включения в текст договора с ним специальных антикоррупционных положений.</p>
<p>3.3.5. Ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда (масалан, лицензия бериш, ихтисослаштирилган кенгашларда иштирок этиш, турли ҳужжатлар, объектларни келишишда ва ҳ.к) Жамият ҳужжатларни қўриб чиқишнинг шаффофлиги ва холислигини таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органлари томонидан салбий ва бошқа хулосаларга келиш сабаблари хусусида қўшимча маълумотларни талаб қилади.</p>	<p>3.3.5. При взаимодействии с компетентными государственными органами (например, при выдаче лицензии, участии в специализированных советах, согласовании различных документов, объектов и т.п.) Общество обеспечивает прозрачность и беспристрастность рассмотрения документов и, в необходимых случаях, обоснования. для получения отрицательных и иных заключений этих государственных органов необходимы дополнительные сведения.</p>
<p>3.3.6. Контрагентлар билан муносабатларда шаффофлик ва одилликни таъминлаш мақсадида Контрагентни танлашда иштирок этувчи ташаббускор ёки Жамиятнинг бошқа ходимлари ёки уларнинг яқин қариндошлари контрагентда раҳбарлик лавозими ёки қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларда ишлаши ушбу</p>	<p>3.3.6. Для обеспечения прозрачности и справедливости в отношениях с контрагентами служит тот факт, что инициатор, участвующий в выборе контрагента, или иные работники Общества или их близкие родственники работают в контрагенте на руководящих должностях или должностях, связанных с принятием</p>

<p>контрагент, ҳамкор ёки учинчи шахслар билан шартномавий муносабатларга киришмасликга асос бўлиб хизмат қилади.</p>	<p>решений. как основание для не вступления в договорные отношения с данным контрагентом, партнером или третьими лицами.</p>
<p align="center">3.4. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш</p>	<p align="center">3.4. Прозрачность благотворительной и спонсорской деятельности и обеспечение эффективного процесса</p>
<p>3.4.1 Жамият қонунчилиқ билан белгиланган ҳолатларда хайрия ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиши ва қабул қилиши мумкин. Бундай ёрдамни амалга ошириш ва олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек, хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.</p>	<p>3.4.1 Общество может оказывать и получать благотворительную и спонсорскую поддержку в случаях, установленных законом. При реализации и получении такой помощи принимаются все меры по предотвращению конфликта интересов, обеспечению эффективного и целенаправленного направления средств на цели, указанные в законодательстве Республики Узбекистан или договоре, а также по раскрытию информации о благотворительной и спонсорской деятельности на официальном сайте Общества в сети Интернет.</p>
<p>3.4.2. Жамият томонидан амалга оширилаётган ёки қабул қилинаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида бўлмаслиги ва Жамиятнинг алоҳида ходимлари томонидан хайрия олувчи ва хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.</p>	<p>3.4.2. Пожертвования или спонсорская помощь, сделанные или принятые Обществом, не должны носить форму скрытых вознаграждений, а решения должны приниматься отдельными работниками Общества в пользу получателя пожертвования и дарителя или спонсора, его близких родственников, лиц, связанных с ними, а также лиц, с которыми донор или спонсор имеет личный интерес, не должны влиять на результативность.</p>
<p>3.4.3 Жамият томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдами беришда ва олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:</p> <p>Хайрия олувчи ёки хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдами бериш ёки олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия олувчи, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим;</p> <p>бундай шартномага коррупцияга қарши шартларни киритиш; Жамиятнинг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида берилган ёки олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.</p>	<p>3.4.3 При оказании и получении обществом благотворительной или спонсорской помощи должны соблюдаться следующие требования:</p> <p>Обязательное заключение договора с дарителем или дарителем или спонсором и цель предоставления или получения пожертвования или спонсорской помощи и ее использование, формы помощи, размер помощи в денежном выражении, способ отчетности перед получателем, дарителем или спонсором должно быть указано о целевом использовании полученной помощи;</p> <p>включить в такой договор антикоррупционные положения; Размещение информации о пожертвованиях или спонсорской помощи, переданных или полученных, на официальном сайте общества в сети Интернет.</p>

<p>3.4.4. Жамиятда хайрия ва ҳомилийлик фаолияти “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун, Жамият Устави ва “Ўзбекгеофизика” АЖда хайрия ва ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш Сиёсати” билан тартибга солинган.</p>	<p>3.4.4. Благотворительная и спонсорская деятельность в АО «Узбекгеофизика» регулируется в соответствии с «Законом о защите акционерных обществ и прав акционеров», а также Уставом Общества и Политикой осуществления благотворительной и спонсорской деятельности.</p>
<p>3.5. Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси</p>	<p>3.5. Антикоррупционная экспертиза внутренних документов</p>
<p>3.5.1. Ички ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда Жамиятнинг юридик хизмати коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун имконият яратувчи коррупциявий омиллар мавжудлиги ва уларни ҳужжатлардан чиқариб ташлаш мақсадида экспертиза ўтказилади.</p>	<p>3.5.1. При правовой экспертизе внутренних документов юридическая служба Общества проводит экспертизу на наличие коррупционных факторов, создающих возможности для осуществления коррупционных действий и исключения их из документов.</p>
<p>3.6. Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш</p>	<p>3.6. Внедрение новых технологий в сферу деятельности Общества</p>
<p>3.6.1. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Жамият ходимлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширади (агар имкони мавжуд бўлса).</p>	<p>3.6.1. В целях минимизации коррупционных рисков работники Общества выполняют свои функции и обязанности с использованием информационных технологий (по возможности).</p>
<p>3.6.2. Давлат харидлари доирасида танлов савдоларини ўтказишда Жамият ходимлари ахборот технологияларидан фойдаланади ва танлов савдолари иштирокчилари билан ўзаро алоқани электрон шаклда онлайн режимда бошқа электрон тизимлар билан интеграция қилиш имкониятини қўллаган ҳолда амалга оширади.</p>	<p>3.6.2. При проведении торгов в рамках государственных закупок Общества использует информационные технологии и взаимодействует с участниками торгов в электронной форме, используя возможность интеграции с другими электронными системами.</p>
<p>3.7. Жамиятдаги фаолиятни видеокайд қилиш ва унинг трансляцияси</p>	<p>3.7. Видеозапись и трансляция общественных мероприятий</p>
<p>3.7.1. Жамият биноларида ходимлар фаолиятини назорат қилиш мақсадида видеоёзув камералари ўрнатилиб, улардаги ёзувлар Жамиятнинг масъул ходимлари томонидан кўриб борилади.</p>	<p>3.7.1. В целях контроля за деятельностью сотрудников в зданиях Общества установлены камеры видеозаписи, записи которых просматриваются ответственными работниками Общества.</p>
<p>3.7.2. Номзодлар билан суҳбатлар видеокузатувлари “Ўзбекгеофизика” АЖда вакант лавозимларга ишга қабул қилиш, ходимларни бошқа лавозимга ўтказишда танлов асосида саралаб олиш тўғрисидаги” Низом талабларига мувофиқ кадрлар бўлимида сақланади, мурожаатчилар (Жамият ходимлари ёки бошқа шахслар) билан суҳбатлар, ахлоқ комиссияси йиғилишлари ва бизнес хамкорлар билан бўладиган музокаралар видекузатувлари</p>	<p>3.7.2. Видеозаписи собеседований с кандидатами хранятся в отделе кадров в соответствии с требованиями Положения о приеме на вакантные должности в АО «Узбекгеофизика», отборе работников на основе отбора при переводе на другую должность, собеседованиях с претендентами (сотрудниками) Компании или иных лиц), заседаниях комиссии по этике и деловых партнеров. Видеонаблюдение за переговорами ведется в течение одного месяца</p>

<p>“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимида бир ой давомида сакланади.</p>	<p>в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”.</p>
<p>IV. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари</p>	<p>IV. Элементы антикоррупционной системы</p>
<p>4.1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ички-меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги</p>	<p>4.1. Наличие важных внутренних антикоррупционных документов</p>
<p>4.1.1. Коррупцияга қарши курашиш тизими асосини: Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни; мазкур Сиёсат; Жамиятнинг Ахлоқ Кодекси; Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсатида акс эттирилган тамойиллар ва талабларни ташкил этади.</p>	<p>4.1.1. Основой антикоррупционной системы являются: Закон Республики Узбекистан “О противодействии коррупции” настоящая Политика; Кодекс этики сотрудников Общества; Принципы и требования отраженные в Положении о порядке управления конфликтами интересов в Обществе.</p>
<p>4.1.2. Жамият Бошқарув органи ва Кузатув Кенгаши аъзолари ҳамда таркибий бўлинмалар раҳбарлари ходимларга олий раҳбарлик намунасини кўрсатиши лозим.</p>	<p>4.1.2. Правление и Наблюдательный совет Общества, а также руководители структурных подразделений должны показывать работникам пример высокого лидерства.</p>
<p>4.1.3. Жамият Бошқарув органи ва Кузатув Кенгаши аъзолари, шунингдек, Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил хулқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.</p>	<p>4.1.3. Правление и Наблюдательный совет Общества, а также руководители структурных подразделений Общества служат примером честного, справедливого и независимого поведения в отношениях с подчиненными, гражданами и юридическими лицами, тем самым формируя бескомпромиссное отношение к коррупционным действиям.</p>
<p>4.1.4. Жамият Бошқарув органи ва Кузатув Кенгаши аъзолари, шунингдек, Жамият таркибий бўлинмалари раҳбарлари Жамият фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга нисбатан лидерликни намоён қилади.</p>	<p>4.1.4. Правление и Наблюдательный совет Общества, а также руководители структурных подразделений Общества демонстрируют лидерство в создании и внедрении эффективной системы противодействия коррупции путем внедрения эффективных антикоррупционных мер и процедур управления рисками и функциями (направления) деятельности Общества.</p>
<p>4.2. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш</p>	<p>4.2. Выявление и оценка коррупционных рисков</p>
<p>4.2.1. Жамият ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкилий тузилмалар функцияларининг хусусияти, Жамият ва бошқа шахслар билан ўзаро муносабатлар, шунингдек, “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти”га мувофиқ ташқи ва ички омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.</p>	<p>4.2.1. Общество осуществляет идентификацию и оценку коррупционных рисков, характерных для его деятельности, с учетом характера функций структурных подразделений, взаимодействия с Обществом и иными лицами, а также с учетом внешних и внутренних факторов в соответствии с “Методикой оценки коррупционных рисков в АО “Узбекгеофизика”.</p>

<p>4.2.2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Жамият Бошқарув раиси томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Жамиятнинг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.</p>	<p>4.2.2. Оценка коррупционных рисков проводится не реже одного раза в год. Результаты оценки коррупционных рисков рассматриваются Председателем правления Общества. Антикоррупционные меры и процедуры, минимизирующие выявленные риски, отражаются в антикоррупционной программе или дорожной карте Общества.</p>
<p>4.3. Коррупцияга қарши курашиш учун масъул</p>	<p>4.3. Ответственный по борьбе с коррупцией</p>
<p>4.3.1. Жамиятда коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини шакллантириш учун алоҳида “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими ташкил этилган.</p> <p>“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими кўйидаги масулият ва ваколатларга эга:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жамиятда коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими талабларини ишлаб чиқиш ва жорий этилишини назорат қилиш; - Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими ва коррупция билан боғлиқ масалалар бўйича ходимларга маслахат бериш; - Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг ISO 37001:2016 халқаро стандартини жорий этиш ва талабларига мувофиқлигини таъминлаш; - Жамият Бошқарув раисига ва Кузатув Кенгашига коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг бажарилиши тўғрисида, зарур ҳолларда эса мувофиқликни таъминлаш бўйича бошқа ваколатли органларга ҳисобот бериш. <p>“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимига таълуқли ҳар қандай масала ёки муаммо юзасидан юқори даражада кўриб чиқиш зарурияти туғилган тақдирда Жамият Бошқарув раисига ёки Кузатув кенгашига бевосита ва тезкор алоқага киришиш ҳуқуқига эга.</p>	<p>4.3.1. В целях формирования в Обществе эффективной антикоррупционной системы создан “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контролю”.</p> <p>“Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контролю” наделён следующими полномочиями и ответственностью:</p> <ul style="list-style-type: none"> - контроль за разработкой и внедрением в Обществе требований системы менеджмента противодействия коррупции; - консультирование персонала в отношении системы менеджмента противодействия коррупции и вопросов, связанных с коррупцией; - обеспечение соответствия системы менеджмента противодействия коррупции требованиям международного стандарта ISO 37001:2016; - отчётность о функционировании системы менеджмента противодействия коррупции Председателю правления и Наблюдательному совету Общества, а также, при необходимости, другим уполномоченным органам по обеспечению нормативно-правового соответствия. <p>“Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контролю” имеет право непосредственно и оперативно обращаться Председателю правления или Наблюдательному Совету Общества в случае, если есть необходимость рассмотреть на высшем уровне какой-либо вопрос или проблему, связанную с системой менеджмента противодействия коррупции.</p>
<p>4.3.2. Жамиятда “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими ўз фаолиятини “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлими тўғрисидаги Низом” асосида амалга оширади ва бевосита Жамият Бошқарув раисига ва Кузатув</p>	<p>4.3.2. “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контролю” Общества осуществляет свою деятельность на основании “Положения об отделе по противодействию коррупции и комплаенс контролю” и подчиняется Председателю Правления Общества и</p>

Кенгашига бўйсунди.	Наблюдательному совету .
4.3.3. Жамият Бошқарув раиси “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимини ўз вазифаларини бажариш учун етарли даражадаги мустақиллик ва зарур ресурслар билан таъминлайди.	4.3.3. Председатель Правления Общества обеспечивает “Отделу по противодействию коррупции и комплаенс контролю” достаточную самостоятельность и необходимые ресурсы для выполнения задач по противодействию коррупции.
4.3.4. Жамиятнинг “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлими “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш Сиёсати”, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормаларида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва актуаллаштирилиши учун жавоб беради.	4.3.4. “Отдел по управлению, подготовки и переподготовки кадров” Общества несет ответственность за систематический и своевременный сбор, анализ и актуализацию сведений о близких родственниках работников и связанных с ними лицах в порядке и в объеме, предусмотренных требованиями “Политике об управлении конфликтом интересов” в АО “Узбекгеофизика”, а также законодательством Республики Узбекистан.
4.3.5. Жамиятнинг барча филиаллари алоҳида “Одоб-ахлоқ” Комиссиялари фаолият юритади.	4.3.5. Отдельные комиссии по этике действуют во всех структурных подразделения Общества.
4.3.6. Жамиятдаги “Одоб-ахлоқ” комиссияси ходимларнинг Ахлоқ Кодекси қоидаларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек, Жамиятда “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тўғрисидаги Сиёсати”да белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.	4.3.6. Комиссия по «Этике» в компании рассматривает вопросы соблюдения сотрудниками Кодекса этики, а также участвует в процессе урегулирования ситуаций, связанных с конфликтом интересов в компании, в соответствии с «Политикой по управлению конфликтом интересов».
4.4. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати тўғрисида ходимлар ва учинчи шахсларнинг хабардорлигини таъминлаш	4.4. Обеспечение информирования сотрудников и третьих лиц об антикоррупционной политике Общества
4.4.1. Жамият коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва ходимларнинг хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур Сиёсат ва ўзлари томонидан амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни Жамиятнинг расмий веб-сайтида жойлаштиради.	4.4.1. В целях снижения коррупционных рисков и повышения информированности работников, Общества размещает основную информацию о настоящей Политике и реализуемых ими мерах по противодействию коррупции на своем официальном сайте.
4.4.2. Жамият барча куч ва имкониятларини ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларга қуйидагилар орқали Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш қонунчилиги нормалари, шунингдек, жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериш ва уларни тушунтиришга сарфлайди, яъни: Жамият раҳбарияти томонидан расмий веб-сайт, бошқа ахборот алмашиш воситалари орқали ходимлар томонидан, коррупцияга	4.4.2. Общество использует все свои усилия и возможности для доведения и разъяснения своим работникам и иным заинтересованным лицам, норм антикоррупционного законодательства Республики Узбекистан, а также вводимых антикоррупционных принципов, следующих мер и требований: Руководство Общества постоянно направляет сообщения о важности соблюдения работниками общества, принятых норм и

қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир доимий хабарлар юбориш;

Жамият ходимларини коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу Сиёсат ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа ички хужжатлари билан албатта таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрсатма (инструктаж) бериш;

Жамиятдаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг кўшимча дастурлари белгиланади. Ўтказилган ўқув курслари (тренинглари)га оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Жамиятнинг “Ходимларни бошқариш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш” бўлими сақланади;

мавзуга доир аудио ва видеороликлар ҳамда Жамият ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашиш ва уларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хабардорлигини оширишга қаратилган бошқа ахборот материалларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши тарғибот тадбирларини ташкил қилиш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими томонидан Жамият ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими томонидан Жамиятда коррупцияга қарши хулқ-атвори фаол тарзда тарғиб қилиш;

Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш.

Жамият мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек, шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг

требований по противодействию коррупции через официальный сайт и другие средства обмена информацией;

обеспечить регулярное и систематическое обучение и тестирование работников Общества не реже одного раза в год в соответствии с планом обучения по вопросам противодействия коррупции;

давать поручения (инструкции) по вопросам противодействия коррупции новым работникам при ознакомлении их с настоящей Политикой и иными внутренними антикоррупционными документами Общества;

для должностей с высоким коррупционным риском в Обществе устанавливаются дополнительные программы антикоррупционного обучения. Информация о проведенных курсах обучения (тренингах) хранится в “Отделе по управлению, подготовки и переподготовки кадров” Общества в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан;

организация антикоррупционной пропагандистской деятельности с использованием аудио и видеосюжетов по теме и других информационных материалов, направленных на повышение информированности работников Общества и граждан о принимаемых мерах по борьбе с коррупцией и формирование у них нетерпимого отношения к коррупции;

консультирование сотрудников Общества со структурой внутреннего антикоррупционного контроля при возникновении вопросов, связанных с применением положений настоящей Политики или реализацией антикоррупционных мер и процедур;

активное продвижение антикоррупционного поведения в Обществе структурой внутреннего антикоррупционного контроля на основании утвержденного плана;

включение антикоррупционных оговорок в трудовые договоры сотрудников Общества и ее структурных подразделений.

Общество включит антикоррупционную оговорку в действующие трудовые договоры работников в рамках пересмотра условий новых сотрудников Общества с момента вступления в силу

<p>амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритади.</p> <p>Жамият контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш.</p> <p>Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат кучга кирган вақтдан бошлаб Жамиятнинг янги контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга киритилади. Коррупцияга қарши шартлар Жамиятнинг барча шартномаларига киритилади (электрон дўкон, электрон аукцион орқали харид натижалари бўйича ва давлат табиий монополиялари (почта, электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, темир йўллари, ҳаво йўллари ва ҳ.к.) билан тузиладиган шартномалар бундан мустасно).</p> <p>Коррупцияга қарши шартлар мазкур Сиёсат қабул қилинишидан олдин тузилган шартномаларга шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ёки ташаббусга кўра киритилади.</p>	<p>настоящей Политики.</p> <p>Включение антикоррупционных оговорок в договоры, заключаемые с контрагентами, партнерами, донорами и спонсорами Общества.</p> <p>Антикоррупционная оговорка будет включаться в договоры с новыми контрагентами, партнерами, донорами и спонсорами Общества с момента вступления в силу настоящей Политики. Антикоррупционная оговорка включается во все договоры Общества за исключением договоров, заключенных по результатам закупок через (электронный магазин, электронный аукцион и с государственными естественными монополиями (почта, электроснабжение, газоснабжение, водоснабжение, железные дороги, авиакомпании и т.д.)).</p> <p>Антикоррупционная оговорка будет включена в контракты, заключенные до принятия настоящей Политики, в рамках пересмотра условий или по инициативе.</p>
<p align="center">4.5. Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик</p>	<p align="center">4.5. Мониторинг, контроль и подотчетность</p>
<p>4.5.1. “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими Жамиятда амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Жамиятда коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.</p>	<p>4.5.1. Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля осуществляет постоянный мониторинг, контроль и оценку эффективности, адекватности и соразмерности реализуемых в Обществе антикоррупционных процедур. По результатам проведенного мониторинга Общества примет соответствующие меры по формированию системы противодействия коррупции.</p>
<p>4.5.2. Мониторинг ва назорат “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти”га мувофиқ амалга оширилади.</p>	<p>4.5.2. Мониторинг и контроль осуществляется в соответствии с “Методикой мониторинга и контроля эффективности антикоррупционных процедур” и другими внутренними документами Общества.</p>
<p>4.5.3. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги куйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши мумкин:</p> <p>Жамиятнинг назорат ва рухсат этувчи ҳужжатларни бериш функциялари, харидлар жараёнини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлиги бўйича мониторинги;</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг фаолиятида қўлланиладиган коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва ҳокимият</p>	<p>4.5.3. Мониторинг системы противодействия коррупции должен осуществляться по следующим основным направлениям:</p> <p>Функции Общества по контролю и выдаче разрешительных документов, анализу соответствия процесса закупок законодательству Республики Узбекистан;</p> <p>Мониторинг законодательства и рекомендаций органов власти в сфере противодействия коррупции, используемых в деятельности</p>

<p>органлари тавсияларининг мониторинги;</p> <p>халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;</p> <p>оммавий ахборот воситаларининг Жамият ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Жамият контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;</p> <p>самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Жамиятнинг ички жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;</p> <p>Жамият ва таркибий бўлинмаларнинг коррупцияга қарши курашиш Дастури бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;</p> <p>Жамият ва таркибий бўлинмалар ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;</p> <p>Жамият ва таркибий бўлинмалар ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш.</p>	<p>Республики Узбекистан;</p> <p>мониторинг рекомендаций международных и зарубежных организаций по вопросам создания и поддержки эффективной системы противодействия коррупции;</p> <p>мониторинг средств массовой информации на предмет наличия сведений о причастности Общества или его работников к коррупционной деятельности, а также таких же сведений о контрагентах или партнерах Общества;</p> <p>мониторинг внутренних процессов и функций Общества на выборочной основе с целью выявления неэффективных механизмов контроля и процедур, их совершенствования и обеспечения надежности и эффективности антикоррупционной системы;</p> <p>Мониторинг полноты и эффективности антикоррупционной программы Общества и структурных подразделений;</p> <p>Проверка соблюдения антикоррупционных требований и введенных процедур работниками Общества и структурных подразделений;</p> <p>Проверка информированности сотрудников Общества и структурных подразделений об основных принципах и требованиях противодействия коррупции.</p>
<p>4.5.4. Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини ички аудитини ўтказиш, жумладан, Жамият ва таркибий бўлинмаларда белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.</p>	<p>4.5.4. Эффективность антикоррупционной системы Общества (отсутствие коррупционных рисков) проверяется путем проведения внутреннего аудита антикоррупционной системы, в том числе контроля за соблюдением требований и процедур, установленных Обществом и структурными подразделениями.</p>
<p>4.5.5. Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари яқунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби “Ўзбекгеофизика” АЖда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича Низом”га асосан</p>	<p>4.5.5.Итоги мониторинга и контроля антикоррупционной системы отражаются в отчетах о состоянии антикоррупционной системы. Порядок формирования и представления отчетов устанавливается во внутриведомственном документе о формировании и представлении отчетов о состоянии системы противодействия коррупции в Обществе .</p>

<p>амалга оширилади.</p>	
<p align="center">4.6. Жавобгарлик</p>	<p align="center">4.6. Ответственность</p>
<p>4.6.1. Мазкур Сиёсатга мос келиш ва Жамиятнинг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур Сиёсат ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.</p>	<p>4.6.1. Соблюдение настоящей Политики и соблюдение антикоррупционных требований и процедур Общества является обязанностью каждого работника в рамках своих должностных обязанностей. Сотрудники несут персональную ответственность за нарушения требований и процедур по вопросам противодействия коррупции, изложенных в настоящей Политике и иных внутренних документах Общества.</p>
<p>4.6.2. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Жамиятнинг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек, хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек, ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш; - давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ёки шахс, жумладан Жамият манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш; - расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш; - порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш; 	<p>4.6.2. В соответствии с принципом нулевой терпимости к коррупции всем работникам Общества строго запрещается участвовать в любой коррупционной деятельности, прямо или косвенно, лично или через посредников, а именно:</p> <ul style="list-style-type: none"> незаконное использование своего положения и служебного положения, а также требование, вымогательство или вымогательство неправомерной выгоды от любых лиц в целях злоупотребления служебным положением и полномочиями, а также дача или получение согласия на получение неправомерной выгоды от любого лица, а также как совершение работником с занимаемого им служебного положения вопреки законным интересам Общества, в том числе незаконное использование в целях получения неправомерной выгоды для себя и третьих лиц; побуждение государственного должностного лица или иного лица к действию (обеспечение их бездействия) либо побуждение их к незаконному исполнению своих служебных обязанностей в целях получения неправомерных преимуществ в интересах лица, в том числе Общества, предложение неправомерной выгоды (взятка, подкупа), обещая сделать это, дать разрешение, предьявить; взимать, получать или производить платежи для упрощения формальностей; посредничество во взяточничестве или коммерческом подкупе, в том числе передача незаконной выгоды получателю или содействие получателю или дающему в достижении соглашения между ними о получении и предоставлении незаконной выгоды;

<p>Жамият ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.</p>	<p>Иные действия или бездействие работников Общества, имеющие признаки коррупции или служащие возникновению конфликта интересов.</p>
<p>4.6.3. Ходимлар ўз раҳбари ва Жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар, шунингдек, уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.</p>	<p>4.6.3. Работники обязаны сообщать своему руководителю и в Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля Общества обо всех случаях совершения коррупционных действий лицами, обратившимися к ним с целью побуждения их к совершению коррупционных действий, а также другими известными им работниками.</p>
<p>4.6.4. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик (тоқатсизлик) тамойилини ҳисобга олган ҳолда Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича “Ўзбекгеофизика” АЖ ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламент” ва бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.</p>	<p>4.6.4. С учетом принципа нетерпимости к коррупции служебная проверка проводится в соответствии с положением и иными внутренними документами о проведении служебных проверок в Обществе и его структурных подразделениях, а также в соответствии с требованиями законодательства Республики Узбекистан, по каждому обоснованному подозрению в совершении сотрудниками Общества коррупционных действий.</p>
<p>4.6.5. Мазкур Сиёсат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ёки Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимлари лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликга тортилади.</p>	<p>4.6.5. Работники Общества и структурных подразделений, несут ответственность за нарушившие антикоррупционных требований и процедур, установленных настоящей Политикой, антикоррупционным законодательством или иными внутренними документами Общества, независимо от занимаемой должности, стажа работы и иных факторов, в рамках законодательства Республики Узбекистан и по предусмотренным в них основаниям.</p>
<p>4.6.6. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлими уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш менежмент тизимини такомиллаштиради.</p>	<p>4.6.6. В случае выявления коррупционных действий отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля анализирует причины и возможности их возникновения и постоянно совершенствует систему противодействия коррупции.</p>
<p>4.6.7. Ички текширувлар натижалари доимий равишда Жамият Бошқарув раисига ва Кузатув кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика” Қўмитасига тақдим этилади.</p>	<p>4.6.7. Результаты внутренних проверок постоянно представляются Председателю Правления Общества и Комитету “Противодействию коррупции и этика” при Наблюдательном</p>

<p>4.6.8. Жамият коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.</p>	<p>совете.</p> <p>4.6.8. Общество сотрудничает с правоохранительными и другими государственными органами в целях выявления и расследования коррупционных правонарушений.</p>
<p align="center">V. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар</p>	<p align="center">V. Сообщения о коррупционных действиях</p>
<p>5.1. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Жамиятнинг умум-фойдаланувидаги қўйидаги алоқа каналлари орқали маълум қилиш мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - бевосита раҳбарга; - Жамият Бошқарув раисига; - Жамиятнинг “Одоб-ахлоқ” Комиссияси раисига (тел. 71-286-24-06); - ишонч телефон орқали -71-264-84-05; - почта орқали - 100060, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк келажак кўчаси, 5 уй (тел. 71-264-84-94); - Жамият расмий веб-сайти орқали - https://www.uzbekgeofizika.uz; - тўғридан-тўғри “Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати” бўлимига (тел.: 99-370-01-07, электрон почта - anticorruption@uzbekgeofizika.uz); - Жамият Кузатув Кенгаши ҳузуридаги “Коррупцияга қарши курашиш ва этика” Қўмитаси раисига; - мазкур Сиёсатда кўрсатилмаган бошқа алоқа каналлари орқали юқори турувчи ташкилот ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга. 	<p>5.1. В случае возникновения сомнений в законности или этичности действий работников Общества, подозрений, связанных с коррупцией или иными нарушениями, о них можно сообщить по следующим каналам связи, находящимся в общем пользовании Общества:</p> <ul style="list-style-type: none"> - непосредственно руководителю; - Председателю правления Общества; - Председателю Комиссии Общества по этике (тел. 71-286-24-06); - по горячей линии -71-264-84-05; - почтой - 100060, Ташкентское ш., Мирзо Улугбекский район, ул. Буюк келажак, 5 (тел. 71-264-84-94); - Через официальный сайт общества - https://www.uzbekgeofizika.uz; - непосредственно в “Отдел по противодействию коррупции и комплаенс контроля”. (тел.: 99-370-01-07, e-mail - anticorruption@uzbekgeofizika.uz); - Председатель Комитета “Противодействию коррупции и этика” при Наблюдательном совете Общества; - вышестоящей организации или правоохранительным органам по иным каналам связи, не указанным в настоящей Политике.
<p>5.2. Жамият ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсларга доир маълумотларни махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.</p>	<p>5.2. Общество обеспечивает конфиденциальность сведений о лице, предоставившем обоснованные сведения о нарушении, в пределах своих полномочий и имеющихся возможностей, за исключением случаев, предусмотренных законодательством Республики Узбекистан.</p>

<p>5.3. Жамият ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур Сиёсатнинг коррупцияга қарши курашиш менежменти талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслик мажбуриятини олади.</p>	<p>5.3. Общество защищает интересы своих сотрудников и следит за тем, чтобы в отношении сотрудников, добросовестно сообщивших о сомнительном поведении других сотрудников или возможном нарушении антикоррупционные требования настоящей Политики.</p>
<p>5.4. Жамиятнинг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Жамият масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, “Ўзбекгеофизика” АЖга алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз вақтида ва холисона кўриб чиқилади.</p>	<p>5.4. Все сообщения, поступившие по каналам связи Общества, своевременно и объективно рассматриваются ответственными лицами Общества в соответствии с законодательством Республики Узбекистан, внутренними документами о приеме и рассмотрении сообщений, поступивших по каналам связи, предназначенным сообщать о коррупционных действиях в Обществе и иных внутренних документах Общества.</p>
<p>5.5. Жамият ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур Сиёсат талабларини бузиш ва этикага зид хулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликга тортилиши мумкин.</p>	<p>5.5. Направление сотрудниками Общества заведомо ложного сообщения считается нарушением требований настоящей Политики и примером неэтичного поведения, а лицо, сообщившее об этом, в свою очередь, может быть привлечено к ответственности в соответствии с законодательством Республики Узбекистан и внутренним документам Общества.</p>
<p>VI. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгаришлар киритиш тартиби</p>	<p>VI . Порядок внесения пересмотрена и изменений</p>
<p>6.1. Мазкур Сиёсат куйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин:</p> <p>мавжуд коррупцияга қарши Сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;</p> <p>самарасиз коррупцияга қарши курашиш назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;</p> <p>Жамиятнинг ташкилий тузилмаси ёки функцияларининг ўзига хос жиҳатлари ўзгарганда ва ҳ.к.</p>	<p>6.1. Настоящая Политика может быть пересмотрена и дополнена в следующих случаях:</p> <p>при изменении антикоррупционного законодательства Республики Узбекистан, что создает необходимость пересмотра действующих антикоррупционных политик и процедур;</p> <p>при выявлении неэффективных мер и процедур антикоррупционного контроля, а также при необходимости совершенствования комплексных мер, направленных на предупреждение и противодействие коррупции в деятельности Общества;</p> <p>При изменении конкретных аспектов организационной структуры или функций Общества и т. д.</p>
<p>6.2. Сиёсатга киритиладиган ҳар қандай ўзгаришлар Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ҳузурида фаолият юритувчи</p>	<p>6.2. Любые изменения в политике будут утверждаться Наблюдательным советом по рекомендации Комитета</p>

“Коррупцияга қарши курашиш ва этика” Қўмитаси тавсиясига
биноан Кузатув Кенгаши томонидан тасдиқланади.

“Противодействию коррупции и этика”, действующего при
Наблюдательном совете Общества.